



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (12.359)

Баҳоси эркин нарҳда



Айни кунларда шаҳримиз туманларида «Ташаббус-2013» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган тадбирнинг навбатдагиси Шайхонтоҳур туманида ташкил этилди.

«Ташаббус-2013»

МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИБ ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Унда тумандаги энг ташаббускор, илгор, янгиликлар яратётган тадбиркор ва хунармандлар иштирок этиб, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш қилишди.

Танловни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуғлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитларнинг самарадорлигини ўрганиш, жамиятда тадбиркорлик фаолияти даражасини оширишни назарда тутувчи илгор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш ва кўтариш, тадбиркорлар орасида ўзаро тажриба алмашуви ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рекламасини ташкил этишдан иборатдир.

«Ташаббус»нинг бу йилги босқичларида тадбиркорларнинг фаоллиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган, дейди Савдо-саноат палатасининг Шайхонтоҳур тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Ҳилола Миршавхарова. «Хар бир тадбиркор голиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда ва барчалари шунга муносибдир. Иштирокчилар тайёрлаётган маҳсулотлар бири бирдан сифатли бўлиб, бу голибларни аниқлашда ҳакамларни ҳам узоқ ўйлашга ундамоқда.

Кўрик-танловнинг туман босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича «Ixlos mebel» масъулияти чекланган жамияти голиб бўлди. Доно Мухамедова «Йилнинг энг яхши хунарманди» деб топилган бўлса, «Энг ёш

хунарманд» номига Замира Жўраева сазовор бўлди. «Йилнинг энг яхши хунарманд аёли» деб Соҳиба Бердимуродова эътироф этилди. «Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор» номини «Omad teks» масъулияти чекланган жамияти, «Энг яхши инновацион лойиҳа» совринини «Digusto» масъулияти чекланган жамияти кўлга киритган бўлса, «Энг яхши оилавий бизнес» йўналишида «Hushvaqt mebel» масъулияти чекланган жамияти голиб деб топилди.

Танловда биринчи бор иштирок этишим, дейди танлов голибларидан бири хунарманд Доно Мухамедова. «Шундай нуфузли кўриқда голиб чиқганимдан жуда хурсандман. Мақсадим миллий хунармандчилигимизнинг замонавий кўринишини янада ривожлантириш.

Тадбир натижаларига кўра ўз номинациялари бўйича биринчи ўринни эгаллаган тадбиркор ва хунармандлар танловнинг шаҳар босқичига йўланма олдилар.

Голибларга танлов ташкилотчилари ҳамда бошқа хомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Абдуллоҳ САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Хабар қилинганидек, 2013 йил 7 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакатимизда амалга оширилаётган либерал ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш билан боғлиқ масалалар киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

олиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Сиёсий партиялар ўз устива ва конституций вазифаларини янада фаолроқ бажаришлари, қонунларни қабул қилиш ва амалга ошириш, парламент назорати механизмларидан фойдаланиш орқали ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим.

Айнан шу мақсадда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш механизмининг жиддий ўзгаришларидан тартиб белгиланмоқда, мазкур тартибга мувофиқ қонун лойиҳаси айни бир вақтнинг ўзида ва бир муддатда ҳам сиёсий партиялар фракцияларида (депутатлар гуруҳларида), ҳам масъул кўмитада кўриб чиқилади. Энди масъул кўмита сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар кuni арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гротмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совғаси топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болаликдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни кўнгил билан ўрганди. 2002 йилда ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурайдиган ўшбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўланмани кўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида қумуш медални кўлга киритди. Кўплаб халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзи Осиё ўйинларининг жамоавий бахсларида терма жамоамиздаги дугоналари – Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқуллова, Нодира Нодиржонова билан бирга қумуш медални кўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган «Тошкент опен» халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида голиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гротмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гротмейстер унвонини кўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислом Каримов совғаси – замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришяётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиклолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлиги туфайлидир, деди халқаро гротмейстер Н.Мўминова. Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Ўртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компьютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини кўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш – менинг ҳам олий мақсадим. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида «Оилавий корхона – мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, депутатлар, тадбиркорлар ва оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Бухорода Обод турмуш йили ва Халқаро хотин-қизлар кuniга бағишланган «Аёл – жамият барқарорлиги, тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги кафолати» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда турли миллат вакиллари бўлган хотин-қизлар, талаба-ёшлар, ҳар хил спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар совриндорлари иштирок этди.

• Жиззахда Наврўз байрамига бағишланган «Баҳор тароналари» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тўрт йўналиш бўйича ўтказилган танловда бадий жамоалар ва ҳаваскор ижрочиларнинг чиқишларидаги оҳангдорлик ва зоҳиба, соз ва овоз ўйғунлиги ҳамда сахна маданияти ҳайрат аъзолари томонидан қатъий мезонлар асосида баҳоланди.

• Марғилон шаҳрида Наврўз байрамига бағишланган «Миллий либослар – миллат кўзгуси» шиори остида фестивал бўлиб ўтди. Унда хунармандлар, тадбиркорлар, касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўзларининг кўргазмалари билан иштирок этишди.

• Самарқанд вилоятидаги тижорат банклари айни экин-тикин мавсуми олдидан эзгу ташаббус билан чиқишди. Яъни, молия муассасалари томонидан 71 та кўчма дўкон орқали кишлоқ ва маҳаллаларда кўчат савдоси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг НАСА космик агентлиги экспертларининг хабар беришларича, кеча навбатдаги астероид сайёрамиздан жуда яқин масофада учиб ўтди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 2013 ЕТ астероидининг диаметри 140 метрни ташкил этади.

• Италия ва Греция маъмурулари «Ансар» гуруҳи жангариларининг февраль ойида Нигериянинг шимолий қисмидан ўғирлаб кетилган етти нафар хориж фуқароларининг ҳалок этилганлиги тўғрисидаги маълумотини тасдиқлади.

• Кеча Токиода «Фукусима-1» атом электр станциясида рўй берган йирик ҳалокатга бир йил тўлиши арафасида ўтказилган норозилик намойишида минглаб кишилар иштирок этди. Улар мамлакат маъмуруларидан ядро энергетикасидан бутунлай воз кечишни сўрамоқдалар.

• «Ўргимчак одам» суд томонидан ман этилганлигига қарамасдан Лондондаги 310 метрли Shard осмонўпар биносини забт этишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу бино соҳибларининг декабрь ойидаёқ «Ўргимчак одам»га бундай хавфли ишни бажаришни тақиқловчи суд ҳукмини чиқаришга муваффақ бўлганликларига қарамай Робер шаҳар маъмуруларидан икки кундан кейин Shard иншоотида чиқишга рухсат олиш ниятини билдирди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ташаббус-2013» кўрик-танловининг Бектемир, Миробод, Ҳамза, Юнусобод

туман босқичлари бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Кенг доирадаги фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш

мақсадида Давлат статистика кўмитасининг интерфаол хизматларини фаоллаштириш ва такомиллаштириш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **«ЯККАСАРОЙ»** туманидаги «Ватанпарвар» нодавлат таълим муассасасида милтиқдан отиш бўйича хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақаси уюштирилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида, шунингдек, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш жараёнида масъул кўмита вакили сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини мажбурий тартибда депутатларга етказиш белгилаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида Киритилган қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисида назарда тутилган. Мазкур гуруҳ келиб тушган қонун лойиҳаларини рўйхатга (ҳисобга) олади ва ушбу қонун ҳужжатларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб боради. Белгиланган тартиб-таомилларга риоя этиш, қонун лойиҳаси устида ишлашга экспертлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти вакиллари жалб этиш ҳамда Регламентга амал қилиниши масалаларини эътиборга олади. Шунингдек, қонун лойиҳасида келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашнинг янада демократик, очиқ тартибини йўлга қўйиш таклиф этилмоқда, бу тартибга мувофиқ Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз йиғилишида қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган кўмитани коллегия равишида белгилайди.

Умуман олганда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ жараёни демократлаштиришни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Аммо бу ўзгартишлардан кўзда тутилган асосий мақсад – парламентнинг қўй палатаси кўптартиявийлик асосида шаклланишини ҳамда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, аввало, парламент фаолияти

доирасида амалга оширишини эътиборга олиб, сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда парламентдаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этиб, кўриб чиқилаётган ҳужжат юзасидан ўз қатъий нуктаи назарларини билдирдилар.

Муҳокама якунларига кўра қўйи палата «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

биринчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлис кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли бандлиги жараёнларига таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятларини, устуворликларини ва истиқболларини, шунингдек, халқаро стандартлар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида мақбул иш билан таъминлашга, аҳоли бандлигини ҳисобга олишни йўлга қўйишга, янги иш ўринлари ташкил этишга ва аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли ҳудудий дастурлари бажарилиши устидан монито-

ринг ўтказишга қаратилган қўшимча нормалар киритилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида товарларни электрон тарзда декларация қилиш тизимини, шунингдек, товарлар божхона ҳудудига амалда кириб келгунга қадар божхона органларига олдиндан декларация бериш йўли билан уларни декларация қилиш механизминини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда

мазкур қонун ҳужжатларини биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмиталарга ҳужжатларни навбатдаги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонун ҳужжатида ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тартиби аниқроқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонунлар мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентнинг қўйи палатасидаги қонун ижодкорлиги ишларини оптимallasштириш учун муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

Саноат

КИМЁ САНОАТИНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот
марказида «Ўзкимёсаноат» давлат
акциядорлик компанияси томонидан
компания корхоналарининг 2012
йилги фаолияти якунларига
бағишланган матбуот анжумани
ўтказилди.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кимё саноатини изчил ривожлантириш, унинг қувватлари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси кимё тармоғини комплекс равишда ривожлантириш, жумладан, илмий тадқиқотлар ўтказиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва такомиллаштиришга доир сиёсатни амалга оширмоқда. Компаниянинг ишлаб чиқариш қувватлари ички бозорни шундай маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда уларни мунтазам экспорт қилиш имконини беради. Ўтган йилда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари томонидан қиймати 1560 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунинг 103 миллиард сўмдан ортиғи халқ истеъмоли моллари улушига тўғри келади. Бу эса 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 142 фоизни ташкил этади. Тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ишлари давом этаётгани туфайли шундай юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Хусусан, «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобидан қарбамид ишлаб чиқариш йилгига 270 минг тоннага етказилди. «Дехқонобод калий ўғитлари заводи» унитар корхонасининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари 20 минг тоннага кўпайтирилди. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида республикамиз электртехника саноатини ривожлантириш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник кремилий ишлаб чиқарувчи янги «Uz-COR silicon» қўшма корхонаси ишга туширилди.

Компания корхоналарида минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, пахта экишда қўлланиладиган плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Бунда жаҳон бозорида минерал ўғитларга бўлган талабни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиздаги мавжуд хомашё ресурсларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Фермер хўжалиқларига агрокимё хизматларини кўрсатадиган «Қишлоқхўжаликимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари томонидан ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, минерал ва органик ўғитлар ишлаб чиқарилиб, фермер хўжалиқларига етказиб берилди.

2013 йилда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда 11 инновация лойиҳасини амалга ошириш, жумладан, импорт ўрнини босадиган воситалар ва препаратлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

Ўтган давр мобайнида кимё саноатини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида 2012 йилда компания корхоналари томонидан 1,2 минг тоннадан зиёд азот, фосфор ва калий минерал ўғитлари ишлаб чиқарилди. Бу 2011 йилнинг шу даври билан таққослаганда анча кўпдир.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган кимё саноатини ривожлантириш ички ва ташқи бозорда харидоригр янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, энергия сарфини қисқартриш ҳамда қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК

ЭНГ ЯХШИ КРЕДИТ ЛОЙИҲАСИ ТАНЛОВИ

**«Амирбанк» акционерлик-тижорат
банки кичик бизнес ва тадбиркорлик
субъектлари ўртасида «Энг яхши
кредит лойиҳаси» танловини
ўтказишни эълон қилди.**

Ғолиблар имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланади, деб хабар беради банк матбуот хизмати.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит лойиҳалари жорий йилнинг 20 мартага қадар қабул қилинади.

Мазкур танловда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳалари, узоқ ва чекка туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиялаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар маъқулланади.

Ғолиблар 2013 йил 31 март куни эълон қилинади.

«Туркистон-пресс»

Туманларда

ОБОД ТУРМУШ — ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Унда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилганлиги эътироф этилди. Тадбир давомида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс эканлигиндан келиб чиқиб, ёшларга юксак маънавият олига интилиш ва бу орқали тараққиётга эришиш, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар Обод турмуш йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган долзарб вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

— Обод турмушнинг муҳим шартларидан бири, бу инсон саломатли-

**Республика 1-тиббӣт коллежида Чилонзор туман
ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот
маркази туман бўлими, Ўзбекистон «Миллий тикланиш»
демократик партияси Чилонзор туман кенгаши Аёллар
қаноти ҳамкорликларидан Обод турмуш йилгига
бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

гини мустаҳкамлаш экан, жорий йилда ҳам соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан оналар ва болалар саломатлиқларини янада яхшилаш борасида ишлар давом эттирилади, — дейди биз билан суҳбатда Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Саидқиромова. — Мана шундай тадбирларимиздан бири яқинда тумандаги 202-сонли умумтаълим мактабда ўтказилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда мактабда тахсил олаётган 64 нафар 9-синф қизлари ҳудуддаги 35-оилавий шифохона врачлари

томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, суҳбатлар ташкил этилди. Бу каби тадбирлар ўсмир қизларда экстрагенитал касалликлар ривожланишининг олдини олиш, эрта ҳомиладорлиқни бартараф этиш имконини бериб, пировардига эса, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир якунида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар билан таништириш, бу борада ёшларнинг билимларини оширишга эришиш учун бундай маърифий тадбирларни кўпроқ уюштиришга келишиб олинди.

Шахноза КУДРАТХЎЖАЕВА



Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини
қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Словениянинг «Regional
Dialogue» ташиклоти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан
ҳамкорликда ижтимоий аҳамиятга молик ахборот олиш механизмлари янада
такомиллаштиришга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.**

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР

Унда турли вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси С. Ортиқова, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати раҳбари М.Исмомов, Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати раҳбари О.Усбаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сўз ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидладилар.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини тизимли ва босқичма-босқич ислох этиш, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар,

авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлашга оид янги имкониятларни яратишга муҳим омил бўлмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ахборот хизматлари муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимизда ушбу хизматларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимларнинг билими ва малакасини янада юксалтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мулоқот чоғида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги самарали ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Н.УСМОНОВА

ГАРОВ РЕЕСТРИ ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Тошкентда шу мавзуга бағишланган
семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар кўмитаси томонидан Марказий
банк ва Халқаро молия корпорацияси —
IFC кўмағида ташкил этилди.**

Семинарда парламент депутатлари, соҳа мутахассислари ва экспертлари, вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон банклар ва лизинг берувчилар уюшмалари, банк-кредит ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ тайёрланган «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини мамлакатимиз ва халқаро мутахассис ҳамда экспертлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари жалб этган ҳолда батафсил муҳокама қилиш, ушбу қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Бахтиёр Ёқубов, Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон, Марказий банк раисининг ўринбосари Шухрат Хайдаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамда бозор иқтисодиёти ва унинг механизмларини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар салмоқли натижалар бераётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2011-2012 йилларда демократик бозор ислохотлари ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳуқуқий таъминлашга доир улкан ишлар бажарилди. Бу борада ўн бешдан ортиқ қонун қабул қилинди. Шунга қарамай, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари соҳасини ривожлантиришга

алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Тадбирда Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, амалдаги кредит ажратиш тизимини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш, битимларни таъминлаш шарти билан тартибга солиш бўйича халқаро тажрибани ҳуқуқий таъминлаш ва бошқа масалаларга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича маърузалар тингланди ва тақдиротлар бўлиб ўтди. Гаровдаги мулкни рўйхатдан ўтказиш соҳасида бошқа мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, гаров реестри электрон шаклдаги гаров ахборотини ҳисобга олиши ва юритиш семинар иштирокчиларининг эътиборини ўзига тортиди. Гаров реестридан тегишли дастурий таъминот орқали реал вақт режимида узлуқсиз ва кечакундуз фойдаланиш мумкин, бунинг учун рўйхатдан ўтиш ва гаров ахборотини олиш имконияти ҳам мавжуд. Семинарда бу ва бошқа янгиликлар кредит ажратиш тавakkалчилигини камайтириш ҳисобидан кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит ажратиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари гаров реестри тизимини шакллантиришга қаратилган ва халқаро эътироф этилган қатор қоидаларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Амалий мулоқот руҳида ўтган семинарда мазкур қонуннинг қабул қилиниши гаров реестрини юритиш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, кредит берувчилар манфаатларини ҳимоя қилишни янада қучайтириш, мамлакатимиз банк-молия тизими рейтингини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири**

ИШГА АМАРҲАМАТ!

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС БЎЛИШ — ШАРАФЛИ

Шахс камолотида касб маҳоратини намойён эта билиш, ўз ишига қизиқиш, меҳнат натижаларидан маънавий ва руҳий қониқниш ҳосил қилиш муҳим ўрин тутати. Шу сабабли педагог ва устозларнинг асосий вазифаларидан бири — ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, ўз малакасини ошириш йўлидаги интилишларини рағбатлантиришдан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралда қабул қилинган «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мувофиқ мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида йигит-қизларнинг зарур мутахассисликлар бўйича танлаган йўналишига оид назарий билимларни пухта эгаллаши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиш орқали амалий кўникмаларини ҳосил қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда, замонавий билимларга эга ҳамда ишга ижодий ёндашадиган ташаббускор кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш юксак савияда ташкил этилмоқда, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежи директори Шавкат Курбанов. — Бу йил ҳам коллежларини тамомлаган битирувчилар, шубҳасиз, иқтисодийнинг барча жабҳаларида муносиб ўрин эгаллайди. Жумладан бизнинг ўқув муассасамизда ҳам ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Коллежда ўқувчилар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланган ўқув режалари бўйича уч йил ўқитилади.

2 минг 742 ўринли маъмур коллежда бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчили, жисмоний тарбия ва болалар спортини бўйича мураббий, кенг асортиментдаги кийимлар модельер-конструктор, мактабга, оилавий ва махсус таълим тарбиячиси йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган спорт зали, бой китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, ўқувчилар иқтиёрида.

2012 — 2013 ўқув йилида коллежни бир минг йигирма икки нафар ўқувчи тамомлайди. Битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ва кейинчалик ишга

жойлашишни ташкил қилиш, «корхона-коллеж» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни маълум иш жойига бириктириш коллежнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шу мақсадда коллеж ўқувчилари учун истиқболли ишлаб чиқариш корхоналари топилиб, уларнинг барчаси билан икки томонлама шартномалар тузилмоқда. Ўқувчилар амалиёт пайтида ўзининг назарий ва амалий билимлари, меҳнат имкониятлари ва салоҳиятини намойиш этса, уч томонлама шартнома тузиш имконига эга бўлмоқда. Бу йил ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган битирувчиларнинг 500 нафардан ортиги таълим йўналишида, 100 дан ортиги жамоат, нодавлат ноҳиёлар ташкилотлари, қирқдан яқини хизмат кўрсатиш ва сервис, қолганлари ҳуқуқ, маданият, иқтисод соҳасидаги корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузди.

Ўқининг иккинчи босқичида ўқувчилар амалий машғулотларини коллеж билан ҳамкорлик қилаётган корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда ўтамоқда. Бу уларнинг иш муҳитига мослашиши ва бўлажак ҳамкасбларидан тажриба ўрганишига ёрдам беради, айти пайтда ўз соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритишга иштиёқ уйғотади.

Коллежнинг 167 нафар ўқитувчиси ўқувчиларнинг юқори савияда билим олиши ва касбга тайёрланишини таъминламоқда.

— Амалий машғулотлар ўқитишнинг муҳим босқичи ҳисобланади, — дейди коллеж директори Ш. Курбанов. — Бу босқичда назария амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўқитилади. Ҳар бир ўқувчи амалий иш кўникмаларига эга бўлиши керак ва бунинг учун коллежмизда барча шарт-шароитлар яратилган. Коллеждаги ўқув лабораториялари ҳам ўқувчиларга танлаган касби сир-асрорларини пухта эгаллашга ёрдам берадиган электрон стендлар билан жиҳозланган. Бунда ҳар бир ўқувчи мустақил ишлашни бошлашдан аввал техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олади. Бундан ташқари, уларга жамоада ишлаш кўникмалари ҳам ўргатилади. Бу эса келажакда ёшларга катта фойда бериши шубҳасиз.

2012 йил 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислам Каримов аҳолини иш билан таъминлаш муҳим масалалардан бири эканлигини эътироф этиб, «Такрор ва такрор айтишга тўғри келади — бугунги кунда айтиш шу масала, яъни аҳолини, авваламбор ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак» дея таъкидладилар.

Туманларда

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Аҳолини иш билан таъминлаш нафақат юртимиз, балки бутун дунёда катта ижтимоий ва муҳим аҳамиятга молик долзарб масалалардан бири. Бу соҳада мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилаётган барча сайёҳаракатларни янада кучайтириш давр талабига айланди. Шу боис юртимизда аҳолини ва айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишига оид бир қатор давлат дастурлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Сергели тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Холида Низамова. — Бу, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — кўп болали аёллар, ногиронлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус касб-хунар таъли-

ми муассасалари битирувчиларига тааллуқлидир. Туманимизда мустақил иш топа олмаётганлар бизга мурожаат қилади.

Иш топишда талабгорларнинг маълумот даражаси, меҳнат стаж, касб ва касб кўникмаларига эгаллиги, ҳоҳиш-истакларини инобатга олинади.

Халқимиз орасида «Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди» нақли бежизга айтелмайди. Зеро, шундай одамлар ҳам борки, олий маълумотга, меҳнат малакаси ёки меҳнат бозорига талаб мавжуд касбга эга бўлмаётган бўлиб, тақдирга тўғри келган бўлиб иш ўринларига жойлашишни истамайди. Бу борада ҳам аҳоли ҳукуматимизнинг ҳамхўрлигини ҳис этсади. Зеро, бундай ҳолларда Банд бўлмаган аҳолини ишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига бепул касб-хунарга ўқитиш курсларига юборилади.

Вақтинча иш билан банд бўлмаганлар мазкур ўқув марказида сартарошлик, тикувчилик, бухгалтер, уқаловчи, ошпаз-қандолатчи, иш юритувчи, бўёқчи, электрик, электр ва газ пайвандчиси, компьютер ва уяли телефонларни тузатиш устаси каби йигирма беш мутахассислик бўйича ўқитилади. Ўқиб давомда улар стипендия билан таъминланади ва ўқув

курсларини тамомлаган, ишга жойлашиш имконига эга бўлади. Хусусан, ўтган йили 326 нафар аҳоли шундай курсларга ёзилиб, янги касб-хунар ўрганган бўлса, жорий йилнинг январь-февраль ойида бозорда талаб юқори бўлган курсларда ўқиб, малакасини ошириш истагиди 60 нафар иш билан банд бўлмаган аҳолига йўланма берилди.

Туманда жойлашган касб-хунар коллежлари билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Амалда кенг қўлланилаётган уч томонлама шартномаларни тузиш натижасида ҳар йили коллеж битирувчиларининг аксари яъни ўз йўналишида иш билан таъминланмоқда. Давлат ташкилотлари ва муассасалари, шунингдек, йирик хусусий фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани туфайли, улар мунтазам равишда ўзларидagi бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар бериб боришмоқда.

Бандликка кўмаклашиш маркази туманда янги иш ўринларини яратиш ва одамларни мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида хабардор қилишга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Имкон борида ўз ишлаб чиқариш кенгайтириш ва шу орқа-

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиб келинмоқда.

Туман ҳокимликларида

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Жойларда ташкил этилаётган ҳақ тўланадиган жамоат ишлари меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқаролар учун қўл келмоқда.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 13 февралда «Шайхонтоҳур туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унга кўра йил давомида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Ушбу қарорга мувофиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, мутахассислиги бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш юқланди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини маблағ билан таъминлаш иш берувчилар томонидан ўз маблағлари, шунинг-

дек, маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Жумладан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўйича — эллик фоизи иш берувчилар маблағлари ва эллик фоизи маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бўйича — етмиш беш фоизи иш берувчилар маблағлари ва йигирма беш фоизи Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Қуйида туман ҳокимлигининг юқоридagi қарорига илова — Шайхонтоҳур туманида 2013 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати эътиборингизга ҳавола этилади.

Шайхонтоҳур туманида 2013 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати

Т/р	Корхона ва ташкилотлар номи	Ҳақ тўланадиган жамоат иш турлари	Жалб қилинадиганлар сони (киши)	Меҳнатга ҳақ тўлаш фоизи		
				Иш берувчи корхона маблағи ҳисобидан	Маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан	Иш билан таъминлаш
1.	Шайхонтоҳур туман обдорлаштириш бошқармаси	Обдорлаштириш ишчиси, худудларни суғуриш, худудларни кўкалмазорлаштириш	40	50	50	-
2.	Шайхонтоҳур туман ҳақ таълими тизимидаги муассасалар	Фаррош, қорув, ошпаз, буфетчилар	20	50	50	-
3.	Шайхонтоҳур туман соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар	Ишчи, касалхоналарда ва бошқа муассасалардаги беморларга қараш ишлари	20	50	50	-
4.	Хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари	Ишчи, суғурувчи, электрчи, сантехник, боғбон	50	75	25	25
5.	Шайхонтоҳур тумани «Махсустронс» корхонаси	Ишчи, суғурувчи, их ортувчи	20	50	50	-
Жами:			150	-	-	-



Сергели тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси давомида кўпчилик иш излаётганлар доимий иш ўринларига эга бўлди, банд бўлмаган аҳолини ишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг бепул касб-хунарга ўқитиш курсларига юборилди.

Козим Ўлмасов олган сурат

ли янги иш ўринлари яратиш истаётган фирма ҳамда ташкилотларга маслаҳат ёрдамида кўрсатмоқда. 2012 йилда туманда қарийб 60 мингта иш ўрни яратилган. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик корхоналар ишлаб чиқаришини кенгайтириб, модернизация қилинмоқда.

Бу эса ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Хусусан, улар томонидан ўтган йил давомида 3 минг 241та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 1 минг 254 та янги иш ўрни яратилди. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уй меҳнатининг барча йўналишлари бўйича мингта яқин иш ўрни тақдиф этилган бўлса, шундан 216 таси касана-чилик асосида йўлга қўйилган.

Юртимизда мустақиллигининг илк қўлларидан бошлаб аҳоли

бандлигини таъминлаш борасида узоқни кўзлаган изчил ижтимоий сиёсат олиб боришмоқда. Дунё миқёсида ҳам алоҳида эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри ва пухта эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам яна бир бор ўз исботини топди. Шу асосда ҳозирги кунда жамиятнинг эркинлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ жараёнлар қатъий ва изчил тус олади. Бунда аҳоли бандлигига эришиш орқали кучли ижтимоий муҳофаза таъминланаётгани эътиборга молик.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда пойтахтимизда ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари «ишга жойлаштириш» кунлари деб эълон қилинган. Мақсад аҳолига қўлайлик яратиш бўлгани боис бу кунларда маҳаллаларда бўш иш ўринлари ва вакант вазифалар ярмаркаси ташкил этилади.

**Саҳифа материалларини
Зиёда ВОХИДОВА
тайёрлади**

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан Тошкент шаҳрининг барча туманларида семинарлар ташкил этилди.

Унда туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, йиғин масъул котиблари, йиғинлар ҳузуридаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси аъзолари иштирок этди. Жонли мулоқот тарзида ўтган семинарларда юқоридagi қарор асосида эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам ва нафақаларни, ижтимоий адолат ва ошқоралик, қўнунийлик принципларига асосан тайинлаш лозимлиги тушунтириб ўтилди.

Шунингдек, фуқароларнинг моддий ёрдам ва нафақа сўраб ёзган мурожаатларига расмий равишда жавоб бериш, ушбу қарор мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда тушунтириш ишларини олиб бориш, семинарлар ўтказиш кераклиги қайта таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, қарорга мувофиқ маҳаллада авваламбор кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини тузиш ва тасдиқлаб олиш лозим. Ушбу рўйхатдаги оилалар ва кейинчалик аниқланган кам таъминланган оилалар ҳонадонининг моддий ва мулкӣ аҳолининг ўрганиш далолатномасини тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда расмийлаштириб, комиссия йиғилишида тақдим этиш керак. Бундан ташқари йиғилишларда кўпчилик томонидан ошқоралик асосида овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиш қонун талаби эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Шунингдек, зарурат туғилган ҳолатларда маҳаллага бириктирилган солиқ ва молия бўлиmlарининг мутахассисларидан тегишли хулосаларни расмий равишда олган ҳолда моддий ёрдам ва нафақаларни тайинлаш жоиз.

**Наврўз МУСАЕВ,
Ўзбекистон «Маҳалла» хария жамоат фонди
Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси**

Ўқув масканларида

ТАЛАБАЛАР ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА

Ўлкамизга интиқиб кутилган баҳор фасли ҳам кириб келди. Соғинган диллар баҳорнинг илиқ нафасидан энтикиб-энтикиб нафас олмоқда. Гўзаллик, нафосат фасли бўлиши баҳор байрамларга бойлиги билан ажралиб туради. Баҳор ижодкорларнинг жўшиб ижод қилишларига ундовчи фасл деб таъриф берсак адашмаган бўламиз.

Тошкент Ислон университетидида «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотли ташаббуси билан «Сен баҳорни соғинмадингми?» номи ижодий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирнинг ўзига хос жиҳати — талабаларнинг ҳоҳиш ва истақларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилганлигиди деб айтиш мумкин. Ижодий кечига киноактёр ва режиссёр Санжар Шодиев, актриса Наргиза Абдуллаева, ҳонанда Хилола Хамидова, «Нихол» муқофоти совриндорини, актёр ва ҳонанда Машхурбеклар тақдиф этилди.

— Биласизми, ҳар кун тадбир ўтказиш мумкин, лекин эсда қоладиган, барчага бирдек манзур бўладиган кечалар кам, — дейди Тошкент Ислон университетининг 2-босқич магистранти, «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотли етакчиси Сайёра Саидова. — Биз талабалар ўртасида «Сиз ёқтирган санъаткор қайси?» дея саволли сўровнома ўтказдик. Шу сўровномадан хулоса қилган ҳолда ижодий кечани ташкил этдик. Ижодкорларнинг тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, миллийликка уруғ берган ҳолда санъат асарларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Мана шундай фикр-мулоҳазаларга бой кеча давомида янги танқид ва таҳлил деб номланган лойиҳани амалга ошириш тақдифи белдирилди. Айнан шу лойиҳа юзасидан ҳар ойда учрашув ташкил этишга келишиб олдик.

Ижодий кечадда санъаткорларнинг жонли ижродаги куй-қўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир давомида меҳмонлар йиғилганларни Халқаро хотин-қизлар кунин билан муборакбод этишди, ўқитувчи ва талабалар ўзларини қизқитишган саволларга жавоб олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичига-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдиф этилади!

Савдога ЕАЖ «Uzbek Leasing International» ҚКнинг 25.12.2012 йилдаги 12-П-сонли буйруғига асосан, корхонага тегишли, Тошкент шаҳри Бектемир тумани, Олтинтопан кўчаси, 45-уй манзилида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «DYNAPAC-F141C» русумли асфальт ётқизгич ва 2008 йилда ишлаб чиқарилган «DYNAPAC-CC222HF» русумли асфальт катокдан иборат техника воситалари 450 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 апрель кунин соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 12 апрель кунин соат 18:00. Техника воситалари 2013 йил 15 апрель кунин сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 22 ва 29 апрель кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 22 апрелдаги такрорий савдолар учун 19 апрель кунин соат 18:00; 29 апрелдаги савдолар учун 26 апрель кунин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо қилибига 10 иш кунин ичиди сотувчи билан олдинги шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамчи кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулхай Абдувалиев кўчаси, 11а-уй манзили бўйича Қудратов Нодир Насирджанович номлига тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Спорт янгилклари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЁШ
ЧЕМПИОНЛАРИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ва 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида икки юз нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ қоидалари асосида тўққиз турдан иборат мусобақада 12 ёшгача қизлар ўртасида мағлубиятсиз дона сурган самарқандлик Диёрахон Шарипова биринчи ўринни эгаллади. Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилган Раёно Абдухалиқова иккинчи, пойтахтлик Асал Салимова эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Етмиш нафарга яқин шахматчи дона сурган ўғил болалар беллашувида барча совринли ўринлар пойтахт вакилларига насиб этди. Мусобақада пешқадамлик қилган Шамсиддин Воҳидов тўққизинчи турда сурхондарёлик Мухаммад Абдурахмонов билан дуранг ўйнаб, 7,5 очко тўплади ва чемпион бўлди. Саидқабар Саидалиев – иккинчи, Фотиҳ Абдухаликов учинчи ўриндан жой олди.

18 ёшгача қизлар мусобақасида «Умид ниҳоллари – 2012» ғолибаси навоийлик Моҳинур Қахрамонова олтин медалга сазовор бўлди. Кетма-кет саккизта партияни ўз фойдасига ҳал қилган шахматчи сўнгги турда пойтахтлик Маржона Афолайян билан дуранг ўйнаб, жами 8,5 очко жамғарди.

Кумуш медал соҳиби самарқандлик шахматчилар – Шаҳноза Турсунова ҳамда Фарида Хурсанова ўртасидаги партияда аниқланди. Муҳим баҳсини ўз фойдасига ҳал қилган Шаҳноза чемпионати иккинчи ўринда якунлади. Жаҳон чемпионати совриндори фарғоналик Гулруҳбегим Тоҳиржоннова сўнгги турда мезбон шахматчи Мафтуна Рустамовани енгиб, бронза медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги мусобақанинг сўнгги турида икки пешқадам – сурхондарёлик Бобур Саторов ва пойтахтлик Шаварш Бадалаян дуранг ўйнади. Очкочларини сонини еттигача етказган Бобур чемпионликка эришди. Шаварш эса кумуш медал билан қийоғланди. Самарқандлик Алихон Гусейнов бухоролик Саидқосим Алиев устидан қозонган ғалабаси эвазига кучли учлиқдан жой олди.

Ўзбекистон чемпионати ғолиб ва совриндорлари мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида республикада маҳоратли рассом Шаҳноз Абдуллаеванинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Маъбудалар. Маликалар. Хурлар» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

АЁЛЛАР НАФОСАТИ ТАРАННУМ
ЭТИЛАДИ

Шаҳноз Абдуллаева 1965 йилда Тошкентда таваллуд топган. Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. 1988 йилдан бери асарлари билан мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилаётган қатор кўргазмаларнинг иштирокчиси.

Кўргазмага қўйилган 30 дан ортқасарларнинг аксарият қисми фаришталар, маъбудалар ва маликалар тимсолидаги аёллар образига бағишланган ва асосан мустақиллик йилларида яратилган. Шу йўналишдаги асарлардан «Дилором», «Келин», «Зарингиз», «Фаришта», «Наврўзой» кабилар экспозициядан ўрин олган.

Фаришталар ва Шарқ маликаларининг гўзал чехралари, тафаккур ва ҳиссиётларида мулоқотга чорловчи хотиржамлик, сокинлик — буларнинг барчаси Шаҳноз Абдуллаеванинг тасаввур олами. Тарих — мана шу олам рассомни оҳанрабодай ўзига тортган, илҳомлантирган. Унинг қахрамонлари — узок

ўтмиш аёллари, борлиқдаги ҳамда афсона ва ривоятлар персонажларидир. Унинг асарларида биз Ўзбекистон замонавий санъатида бутун бир йўналишни яратган машҳур маҳобатли рангасвир устаси, график-рассом Чингиз Аҳмадов мактабининг давомийлигини кўрамыз. Зеро, Ч.Аҳмадов Шаҳнозни маънан қўллаб-қувватлаган устози эди. Устоз Шаҳнозда Ўзбекистон ҳудудидаги антик давр ва ўрта асрлар санъатига, шу қатори Навоий шеърятига бўлган муҳаббатни уйғотган. Кўргазмага келган Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар маданияти билан таниш бўлган томошабин, экспозициядан ўрин олган асарлар билан уни таққослаш имкониятига эга бўлади. Шаҳноз ижодида ўрта асрлар маданиятига доир деворий суратлар илҳом манбаи бўлганлигини кўради.

Ушбу кўргазма намойиши шу йилнинг 5 апрелигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

Турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» жамоаси Наманганнинг «Навбахор» командасини қабул қилди.

Айтиш жоизки, авваллари бу икки жамоа ўртасидаги бахслар мurosасиз ва шиддатли курашларга бой кечар эди. Аммо, кейинги йиллар-

да «Навбахор» етакчиликини бир оз қўлдан бериб қўйди. Натижада пахтакорчилар ҳар мавсумда наманганликларни мағлуб этишни уддалашмоқда.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Учрашув мезбонларнинг устунлигида кечди ва 2:0 ҳисобида якунланди. Меҳмонлар дарвозасига голларни Сергеев, Оганесян йўллашди.

Футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар етиб келди.

Профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат XXII миллий чемпионатининг биринчи турида ўзаро куч синашишди.

Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» эса «Жар» стадионида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини ҳеч қандай қийинчиликсиз 5:0 ҳисобида мағлуб этди. Шу кунги стадионга келган мухлислар Пишур (3 та), Тўраев, Мурзоев томонидан дарвозага киритилган голларнинг гувоҳи бўлишди.

Ўтган йилги мавсумда учинчи ўринни эгаллаб мухлисларини хушнуд қилган пойтахтимизнинг бошқа бир жамоаси «Локомотив» ҳам янги чемпионатни ғалаба билан бошлади. Ўз майдонларида «Бухоро» жамоаси аъзолари билан куч синашган мезбонлар учрашув давомида яққол устунликка эришишди ва якунда 5:1 ҳисобида зафар қучишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтичи» — «Динамо» — 1:0, «Металлург» — «Шўртан» — 1:0, «Насаф» — «Олмалик» — 2:2, «Қизилқум» — «Гулистон» — 0:2.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан 2013 йилги Ўзбекистон Кубоги бахсларига кўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди.

КУБОК БАХСЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

Унга кўра Ўзбекистон Кубоги беллашувларининг ўтиш босқичи 24 мартдан бошланади. Биллур соврин учун профессионал футбол лигаси ҳамда биринчи лиганинг энг кучли жамоалари ўзаро бахсларга киришишади.

Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» ҳамда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» Биллур соврин учун курашни чорак финалдан бошлашади.

Эслатиб ўтиш жоизки, тажрибали мутахассис Аҳмад Убайдуллаев 2008 йилда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини бош мураббий сифатида бошқарган. Унинг мураббийлиги остида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида кумуш медал соҳибига айланган ҳамда 2009 йил Миср мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида қатнашган эди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Таълим

БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Араб тили кун» ни ўтказиш анъанага айланган. Ушбу маданий-маърифий тадбирда ўқув юртида араб тили ва адабиёти бўйича таҳсил олаётган талабалар ўз билим ва малакаларини намойиш этиб келадилар.

Институтида яқинда ўтказилган «Араб тили кун» ҳам ўзига хос байрамона баҳорий кайфият билан юқори савияда ташкил қилинди. Унда нотиклик санъати, сахна ижроси маҳорати, шарқона ҳазил-мутуйибалар талабалар томони-

дан маҳорат билан намойиш қилинди.

Тадбир сўнггида энг зукко, энг моҳир, энг иқтидорли талабаларга олий ўқув юртининг араб филологияси факультети томонидан совғалар тақдим қилинди.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бўлиб ўтган тадбир ҳам баҳорнинг қутлуғ қадамларига бағишланди.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОД
НАМУНАЛАРИ

Тадбирда ёш ижодкорлар саноат дизайни, амалий графика соҳалари бўйича ўзларининг иқтидорларини намойиш этдилар.

Тасвирий ва амалий санъат сирларини ўрга-

наётган ёшлар мураббийлари ёрдамида тайёрлаган ижод намуналарини устозлари ва тенгдошларига тақдим қилдилар.

Тадбир доирасида ўтказилган ёшлар кўргазмаси

ҳам барчага бирдай манзур бўлди. Кеча сўнггида талабалар томонидан уюштирилган концерт дастури тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар қандай меҳнат яратувчиликдир.

Эгрига тўғри гапириб бўлмайди.

Нодонга гап топиб беролмайсан.

Ақл пинҳон, гўзаллик ошкор.

Ёмонга яхшилик ёқмайди.

Ўғри из қолдирмаслиги мумкин эмас.

Режасиз кишининг иши унмайди.

Ланж одам билан бир нарсани ҳал қилиш қийин.

Кўпни кўрган кўп билади.

Қарз эскирса унутилади.

Ҳасадгўй нафақат бировнинг, балки ўзининг ҳам йўлини боғлайди.

Ҳаётнинг ўзи муаммоларни кўндаланг қўяди.

Ҳалол меҳнатнинг завқига ҳеч нима етмайди.

Ҳазилнинг ҳам ўрни бор.

Текин хоҳлаган икки баробарга тушади.

Нафсини тийганидан ҳеч ким пушаймон бўлмаган.

Қаноат туйғуси кўнгилга ҳаловат бағишлайди.

Текинхўрдан ҳамма безор.

Баҳона ҳеч қачон ўзини оқламаган.

Эгиш осон, тўғрилаш қийин.

Эртага пушаймон бўлишинг мумкинлиги кўз олдинда турса, сира ножўя иш қилмайсан.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълоқлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусхада босилди.
Қозғос бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ